

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

13 август, чоршанба, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 168 (1685)


Хайрли ишлар ижобати

Мустақиллик шарофати билан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб бормоқда. Равон йўллар, кўприклар, бозорлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам кейинги вақтда катта ҳажмда қурилиш ишлари бажарилмоқда. Вилоят ҳудудидан ўтган Тошкент-Душанбе йўлининг 70-километрни таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.


чиқиб, мазкур йўлнинг тўлиқ фойдаланишга топширилиши нафақат Сирдарё вилояти, балки бутун мамлакатимиз иқтисодий янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

ёқаларида бозорлар, карвонсаройлар, кемпинглар, ошхоналар, савдо дўконлари, ёниги-мойлаш, автосервис шохобчалари барпо этилди.



Мустақилликнинг 6 йиллиги арафасида Қўқон шаҳри ҳам кундан-кунга яшариб, обод бўлиб бормоқда. Яқин орада бу ерда бир қатор муҳим объектлар фойдаланишга топширилади. Болалар жарроҳлик мажмуи, темир йўл шохбечасининг янги биноси, спирт заводининг иккинчи навбати шулар жумласидандир.

СУРАТЛАРДА: болалар жарроҳлик мажмуи қурилишидан лавҳа; илгир қурувчи Иктамали Қодиров; ҳўжалик ҳисобидида 93-механизациялашган кўчма колоннанинг бўлим бошлиғи Саидхўжа Абдурусолов, қурилиш ишлари бўлими бошлиғи Жамалхон Ёқубжонов, 527-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Махмуджон Хошимов ва 95-механизациялашган кўчма колонна иш юритувчиси Акромжон Файзиматов келгуси ишлар ҳақида масахатлашмоқда.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ТОШКЕНТ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА


Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллик байрами яқинлашиб қолди. Пойтахтимиз Тошкентда бу кутлуг байрамга тайёрлик қилинмоқда. Байрамнинг бадиий раҳбари ва бош режиссёри Рустам Ҳамидов ана шу тантаналарга қандай тайёрлик қилиётгани ҳақида куйидагиларни сўзла берди:

— Бу йилги байрамга тайёрликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, байрамнинг бутун дастури янгитдан тайёрланмоқда. Барча мусиқий асарлар, рақслар, ёритиш билан боғлиқ ҳолатлар бастакорлар, балетмейстерлар, рассомлар ва режиссёрларнинг катта гуруҳи иштирокида тайёрланмоқда.

Республика вилоятларидан, Қорақалпоғистондан Тошкентга фольклор-этнографик дастлар келди, байрам тайёрликнинг катта гуруҳи иштирокида тайёрланмоқда.

Ўқувчиларга атаб

Қўнғирот сода заводи мажмуида қурувчи маданият-маиший хизмат кўрсатиши ишоотларини барпо этиш жадал бормоқда. Яқинда бу ерда 320 ўринли мактаб биноси қурилиши бошлаб юборилди. Уни «Оролсодаси» бошқармаси жамоаси бунёд этмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН -- ВАТАНИМ МАНИМ!

Собиқ Иттифокдан экспортга жўнатилган пахта тойлари қандай товар белгиси қўйилганини билмайман, лекин ишончим комилки, ўша вақтда ташқи бозорда талаб катта бўлган ҳар қандай маҳсулотга уни ишлаб чиқарган корхона номини яширадиган «СССРда тайёрланган» деган тамга босилган бўларди.

Совет империясининг кўпгина республикаларида завод ва фабрикалар, корхоналар шундай тамга қўйилган рақобатбардошли буюмларни ишлаб чиқарар эди. Бироқ улар СССР деб аталган улкан қалпоқ остида кўринмай қоларди.

Лекин булар бизни хотиржамликка ундамаслиги керак. Аксинча, амалга оширилган ишларга фол аралашмоғимиз лозим. Президентимиз биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар доирасини белгилаб берди.

Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига қаратилган бошқа чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз собиқ Иттифок ҳудудидида бошқа давлатлар орасида биринчилар қатори макрокўрсаткичнинг барқарорлаштириши ва саноат ишлаб чиқаришини ўстиришга эришди.

Ушбу сатрлар муаллифи ўша пайтдаги хоржий сафарларидан бирида япониялик туристлар билан танишиб қолган эди. Улар ҳеч нарса-ни сотиб олмаётгани бизни ажаблантирди. Нима учун олишми керак, дейишди улар, ахир бу нарсаларнинг ҳаммаси ўзимизда бор, бунинг устига, сифати яхшироқ. Бу —

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда олий ўқув юртли ректорлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ихтимоий масалалар бўйича муовинлари, халқ таълими вақиллари, махсус ҳунар-техника мактабларининг директорлари қатнашдилар.

Ийгилишда республика Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқиб, давлатимизнинг тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олиши учун илм-фанни ривожлантириш зарурлиги, ҳар бир миллатнинг буюклиги аҳоли сони билан эмас, балки фарзандларининг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси билан белгиланишини таъкидлади.

Ийгилишда Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Кодиров иштирок этди.

Навоий вилоятида ҳам ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят кенгаши депутатлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртли, шаҳар ва туман халқ таълими раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вақиллари қатнашди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов йиғилишда сўзга чиқиб, мамлакат парламенти сессиясида муҳокама этиладиган масалалар, чунинчи, таълим тизими ва қадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган ушбу икки лойиҳа хусусида маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар қонун ва миллий дастур лойиҳаларининг айрим бўлим ва бўлларини янада мукамаллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдириб, Ватанимиз келажаги — ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон, етук мутахассис этиб тарбиялаш мамлакатимизнинг янада раванқ топишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Х. Гафоров, республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев қатнашди.

САВДО ХИЗМАТИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Фаргона вилоят ҳокимлигида истеъмол бозорини тўлдириш, аҳолини энг зарур кўрсаткич озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, уларнинг айрим турларини сотишни тартибга солиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокими Н. Мўминов бошқарди. Сўзга чиққанлар республика ҳукумати яқинда қабул қилган озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай, бу борада ҳамон жиддий нуқсон ва камчиликлар кузатилаётганини қайд этдилар. Аксарият савдо тармоқларида марказлашган маҳсулот фондлари тўлатукисе ўзлаштирилмаётгани сабабли савдо дўконларида саккиз хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турларининг тақчиллиги сезилмоқда.

«ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНГАН»

Шуни аниқ айтиш мумкинки, Ўзбекистонда келажаги буюк давлатни барпо этиш йўлида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Биринчи ярим йиллик якуналари ҳам бунга яққол исботлайди.

«ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНГАН»

Шуни аниқ айтиш мумкинки, Ўзбекистонда келажаги буюк давлатни барпо этиш йўлида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Биринчи ярим йиллик якуналари ҳам бунга яққол исботлайди. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлган мажлисида бу якунлар таҳлил этилди. Давлатимиз бошлиғи мажлисда сўзлаган нутқида ўтган йили макрокўрсаткичнинг барқарорлаштириши соҳасида эришилган ижобий ўзгаришларни мустақамлабгина қолмай, барқарор иқтисодий юксалиш учун шароит ҳам яратилганини таъкидлади.

Иқтисодиётимиз ҳуқуқий меъёрлар, ташкилий ўзгаришларнинг мустақам пойдевори, жамиятимизда вужудга келган янги муносабатларга таянган ҳолда тобора мустақамлашиб бормоқда. Умумий иқтисодий кўрсаткичлар ҳам, тармоқлар ривожланиши кўрсаткичлари ҳам, молия ва банк соҳаларидаги аҳвол ҳам ана шундан далолат бормоқда.

Бунга пойабзал, қўйлак, кўстем, бошқа кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилмагани сабаб эмас эди. Бундай маҳсулотлар қўйлаб тайёрланар, уларни тайёрлаганлар муқофотлар ҳам олар эди. Аммо бу маҳсулотларнинг кўп қисми магазинларнинг пештахталарига чиқмай, оմборларда қўйиб қетарди. Бегемот деган сув айирига ўшшаган ботинкаларни, бир энги узун, иккинчиси қалта кўстемларни ким ҳам сотиб оларди? Шунинг учун ҳам хоржий мамлакатларга, ҳатто социалистик лагердаги мамлакатларга боришга йўланма олган киши учун ерга катта бозорга кетаётгандек, асосан кийим-кечак олиш учун борарди.

саноати фақат четдан келтирилган хомашё билан ишлайдиган оролдаги давлат фуқароларининг гапи эди.

«Ўзбекистонда таъйёрланган» тамгаси қўйилган маҳсулотлар йил сайин кўпаймоқда. Яқин келажакда бу тамга жаҳон истеъмолчиларига мустақил Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарлар юқори сифатли эканига шўҳлат бўлиши шубҳасиз.

УШБУ СОҲАДА: ТАРАҚҚИЁТ ТАОМИШИ

2-бет ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТ

3-бет ЮЛДУЗНИ КЎЗЛАГАН ОЛИМ КЎК

4-бет

КУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ
Навбахор туманида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди.
Кўни кеча «Наврўз» жамоа ҳўжалигида қишлоқ врачлик пункти дастлабки беморларни қабул қилди. Икки минг аҳолига хизмат кўрсатадиган ушбу шифо маскани янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Уни 213-кўчма механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари қисқа муддатда қуриб беришди.

• МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТ

Владимир СМЕТАНИН,
Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда. Давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу мақсадга эришишга қаратилган. Мамлакат тараққиётининг ноёб йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига, халқ учун муносиб турмуш шароити яратишга асосланган эркин фуқаролар жамиятини барпо этишдан иборат.

Украина халқи Ўзбекистонда изчиллик ва собитқадамлик билан амалга оширилаётган ўзгаришларни зўр эътибор ва эҳтиром билан кузатиб турибди. Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодиётни макроиқтисодий бошқарушнинг собиқ Иттифоқ ҳудудидagi бошқа мамлакатларга ўхшамаган моделини амалга оширмоқда. Иқтисодиёт соҳасидаги ислохотлар жараёни бозор муносабатларига доир ўзгаришларни давом эттириш учун замин тайёрлади, иқтисодий фаолият эркинлиги ва ташаббус қўриши учун имкониятлар очиб берди. Республикада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иқтисодий ва молиявий аҳолини барқарорлаштириш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш юзасидан катта ишлар қилинди.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлат сифатида мамлакатдаги барқарор сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олган, иқтисодиётдаги илғор ўзгаришларга, улкан табиий ресурсларга асосланган ҳолда Украинанинг энг истиқболли ама-

лий ҳамкорларидан бири бўлиб қолди. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди. Рақамлар ҳам шундан далолат бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида савдо-иқтисодиёт борасидаги ҳамкорлик янада юксак суръатлар билан ривожланди. Олти ойда товар айланмаси ҳажми 153,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди, ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравардан зиёд кўпайди. Ўзбекистон Украинага пахта, рангли ва нодир металллар етказиб бермоқда. Бу йил Украинага Ўзбекистон табиий газини экспорт қилиш бошланди.

Ҳар томонлама ҳамкорлик масалалари бўйича Бош вазирлар ҳамраислигида Украина – Ўзбекистон қўшма комиссияси тузилди. Комиссиянинг биринчи мажлиси шу йилнинг апрель ойида Киевда бўлди. Мажлиса ўзаро ҳисоб-китоб қилишни ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Украинада анчагина харидор-гир. Шунинг учун ҳам Украина бундай корхоналарни

акциялашда иштирок этиш ниятидадир. Масалан, Артём шахридаги рангли металлургия қайта ишлайдиган завод ва «Укринк» инвестор сифатида маълумотлар базасига киритилиб, Олмалик комбинатининг акциялаш бўйича танловга тақлиф этилган.

Икки мамлакат корхоналари, акционерлик жамиятлари, фирмалари ва талбиркорлари ўртасида бевоқиф алоқалар ўрнатилмоқда. Украинанинг Киев, Днепротровск, Харьков, Полтава, Луганск, Одесса вилоятлари билан Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ўртасида минтақалараро амалий алоқалар ўрнатилган.

Гуманитар соҳада самарали алоқаларни йўлга қўйиш борасида муайян ишлар амалга оширилди, таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим имзоланди. Тарас Шевченко номидаги Украина Миллий университети билан Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ўртасидаги битим лойиҳаси имзоланганга тайёрлаб қўйилган.

Украина вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган «Радио ва телевидение – ахборот макони ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда етакчилик қилиш учун рақобат» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди.

Бу йил 16 ноябрдан 22

ноябрга қадар Ўзбекистонда ўтказиш режалаштирилган Украина маданияти кунлари икки мамлакат маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолади. Ҳозир биргаликда амалга оширилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган украинлар фаол мавқеда турибди. «Батков-шино» украин маданият маркази Театр арбоблари, Бастакорлар, Рассомлар уюмлари, Республика актёрлар уйи, Алишер Навоий номидаги Катта театр, М. Горький номидаги Драма театри, С. Есенин, Тармоҳоним музейлари, маданият ва санъат ўқув юрталари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. «Ўзбекистондаги украинлар» деб номланган альбом-китоб ва «Украина вакиллари» халқаро энциклопедиясининг VII жилди учун материаллар тайёрланмоқда.

Мамлакатларимиз раҳбариятлари даражасидаги фаол алоқалар давом этмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги байрамидан сўнг бу ерга Украина Бош вазир ва Ташқи ишлар вазир расмий ташриф буюрди. Ўз навбатида Ўзбекистон Бош вазир Киевда бўлди.

Умуман, Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тобора юксалиб, ривожланиб бормоқда. Элликлан ортқ икки томонлама битимлар имзоланган. Эндиликда асосий вазифа халқларимизнинг манфаатлари йўлида иккала

мамлакат алоқалари самардорлигини оширишдан иборат.

МДХ даги интеграция жараёни масалаларида Украина ва Ўзбекистон тугган йўлнинг ўхшашлиги, давлатларимизнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши икки томонлама муносабатларнинг янада ривожланишига ишонч билан қараш имконини беради.

Ўзбекистонда давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун асосида йўлга қўйилгани Украина вакили сифатида менга жуда маъқул. Фақат давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар уйғунлашган, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келган тақдирдагина адолатли жамият қуриш мумкин. Украинада бўлгани каби, Ўзбекистонга ҳам қандай демократия қуришни ўргатувчи «маслаҳатчи»лар кўп бўлди. Бироқ, Ўзбекистон раҳбарияти, аввало Президент Ислам Каримов ўз йўлини танлаб олди. Жамият шарқ халқларининг турмуш тарзи, ўзига хос миллий тафаккур ҳисобга олинган ҳолда демократиялаштирилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаётганимга тўрт йил бўлиб қолди. Шу вақт мобайнида бу ерда демократиялаш жараёнининг ўзига хос хусусиятга эга эканига, унинг аста-секин ва изчиллик билан амалга оширилаётганига амин бўлдим. Анъаналарга риоя этиб, улардан моҳирлик билан фойдаланган ҳолда янгиликларни изчил жорий этиш – туб янгиланиш даврида ислохотларнинг осойишта кечишини, жамият осойишталиги ва сиёсий барқарорликни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги арафасида қардош, меҳнатсевар ўзбек халқи катта ютуқлар тилайман.

Парвардигор сизларга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва равнақ бахш этаверсин.

(ЎЗА).



Бободоҳқоннинг кузги ҳосили ҳар соняси ганимат бугунги кундан қандай фойдаланишга боғлиқ. Сув -- гўзалнинг қоши. Азар гўзалар ўз вақтида сифатли сугорилса, бу эртанги мўл ҳосилдан нишонандир. Шу билан бирга, пахта толаси ҳам пишқиб бўлади. Қарши туманидаги С. Раҳимов номли жамоа-ширкат хўжалиги авзолари гўза қатор оралариса ишлов бериши бир дақиқа ҳам тўхтатишмайпти. Улар 1600 гектарга чигит экишган. Ниятлари -- 35 центнердан ҳосил кўтариши.

СУРАТЛАРДА: туман ҳокими ўринбосари К. Тўлаев (чапдан), бригадир Н. Жумаев, раис С. Абдиев пахтазорда; сўвчи А. Нуров.

Т. КАРИМОВ олган суратлар.

ФОТОНГОҲ



ПУХТА ТАРАДДУД

Навоий вилояти «Пахтаसानотсотиш» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли заводлар ва пахта қабул қилиш пунктлари янги ҳосилни қабул қилишга хозирлаб қўйилди.

Мавжуд 3 та завод ва 21 та қабул пункти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 140 та «ПЛ», «ХПП» ва 130 та «КЛП-650», «ТЛХ» русумли пахта юклаш ва тушириш механизмлари, майдончалар текширувдан ўтказилди.

Бу йилги мавсумда жами 120 минг тонна пахта қабул қилиниб, қайта ишланади.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР

Андижон вилояти хўжаликлариде республикамиз олимлари томонидан яратилган соянинг бир қанча навлари парваришланыпти.

Андижон туманидаги «Истиқлол» хўжалигида 7 гектар майдонга соянинг «Ўзбек-2» ҳамда «Ўзбек-6» навлари экилган эди. Оқсилга бой, тўйимли, ширалдор бўлган бу экин баравж ривожланибди. Яқинда мазкур хўжаликка янги нав ижодкорлари ташриф буюрдилар. Республика шолчилик илмий-тадқиқот интитутининг директори, профессор Гийс Раҳимов бошлиқ бир гуруҳ олимлар экин ривож, парвариши билан яқиндан танишишди. Май ойида экилган соя ҳосил тўпламоқда. Ҳар туп экинда хозиргача 100 танан ортқ дуккак бор.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Андижонда «Мамлакат пахтачилигида янги давр -- чигитни плёнка остига экиб, ҳосилдорликни ошириш» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари -- қишлоқ хўжалик илмий-текшириш марказлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари, таниқли олимлар икки кун давомиде вилоят туманлари хўжаликлариде чигит плёнка остига экилган далаларда гўзани парваришлаш тажрибаси билан танишиб,

ўзаро фикр алмашдилар. Сўзга чиққан таниқли

МЕЗОН – ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ

олимлар ва амалиётчилар плёнка остига чигит экиб юқори ҳосил олиш тажрибасини яна-

да такомиллаштириш, уни қўллашда минтақавий шароитни ҳисобга олиш масалаларига батафсил тўхтадилар. Пахта янги ҳосил одатдагига қараганда қарийб бир ой илгари етилиши, бу эса сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, пахта-ғалла алмашлаб экишнинг энг мақбул тизимини шакллантириш имконини беришига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 12 августдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	52,40	1 Канада доллари	51,20	1 Финляндия маркаси	12,89
1 Австрия шиллинги	5,47	1 Хитой юани	8,59	1 Франция франки	11,43
1 Англия фунт стерлинги	113,00	1 Кувейт динори	233,53	1 Швеция кронаси	8,97
10 Бельгия франки	18,65	100 Ливан фунти	4,63	1 Швейцария франки	47,11
1 Голландия гульдени	34,18	1 Малайзия ринггити	26,23	1 ЭКЮ	75,77
10 Греция драхмаси	2,46	1 Германия маркаси	38,51	10 Жанубий Корея вонни	0,80
1 Дания кронаси	10,11	1 Норвегия кронаси	9,39	10 Япония иенаси	6,17
1 БАА дирхами	19,38	1 Польша злотийси	20,48	1000 Россия рубли	12,26
1 АҚШ доллари	71,18	10 Португалия эскудоси	3,81	1 Украина гривнаси	38,33
1 Миср фунти	21,04	1 Сингапур доллари	48,24	1000 Беларусь рубли	2,61
1 Ирландия фунти	102,64	1000 Туркия лираси	0,44	1 Эстония кронаси	5,62
1 Исландия кронаси	0,98			1 Латвия лати	119,83
10 Испания песети	4,57			1 Литва лити	17,80
100 Италия лираси	3,95			1 Қозғистон тенгеси	0,94
				1 Қирғизистон соми	4,09

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«КАМОЛА ПАРВОЗИ» ФИРМАСИ


Тошкентдаги омборидан

- GOODYEAR ШИНАЛАРИ 175x70 R 13 - 6400 сўм, 185x70 R 13 - 7000 сўм, 185x65 R 14 - 7800 сўм, 205x70 R 14 - 8400 сўм
- МОТОР МОЙИ /ЧЕТ ЭЛИНИК/
- 6СТ60 АККУМУЛЯТОРЛАРИ
- «ВАЗ», «ДОГАН», ГАЗ-24, ГАЗ-53 АВТОМОБИЛАРИ УЧУН ЭХТИЁТ ҚИСМАЛАР СОТАДИ

Ҳақ тўлаш шакли — ихтиёрий
Манзил: Тошкент, Тарас Шевченко кўчаси, 52. Тел. 56-71-95, 54-68-92. Факс. 54-68-92.

U-TEL ЯНГИЛИКЛАРИ

U-TEL уяли тармоқ байрамолди нархлар арзонлаштирилганини маълум қилади.



радиотелефонларнинг нархлари

ўртача **30%** арзонлашган;

тармоққа уланиш нархи

ўртача **40%** камайтирилган;

Махсус белгиланган нархлар 1997 йил 4 августдан 2 сентябргача ҳақиқий ҳисобланади.

конференц-алоқа

БЕПУЛ

уланишни кутиш

БЕПУЛ

pin-код ҳимоясини ўрнатиш

БЕПУЛ

БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛСАНГИЗ,
АЛБАТТА, МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНАСИЗ!

Ўзбекистон Республикаси, 700115, Тошкент шаҳри, Гагарин кўчаси, 40-уй.
Телефонлар: (3712) 126-66-00, 777-688, 777-638, 778-688, Факс (3712) 406-504



УЯЛИ АЛОҚА

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Барот БОЙҚОБИЛОВ

ВАТАН КАЪБАСИ

Истиқлолга етишим мен ҳам инқилоб айлаб, Хурлигимни англадим ўзимга хитоб айлаб. Юрак дов бермай турди мен озодман демакка, Тутқунда ўтган умрим бир бошдан ҳисоб айлаб. Кўзга ишонмай боқдим Мустақиллик субҳига, Эл ҳам кутди мен каби кунни тарки хоб айлаб. Оллоҳга минг шукрим, порлади Эрк кўёши, Золим ҳукмдорларнинг ниятин сароб айлаб. Карнай-сурнай садоси етди Ариш аълога, Ранго-ранг мушаклар ҳам учди кўкка тоб айлаб. Истиқлол шодиёнасин кўриб башар қувонди, Дўстлар боқди ҳайратда, ғанимлар итоб айлаб. Зулмдан озод бўлиб эркин нафас олди юрт, Эл ўзлигин топди бот мендек изтироб айлаб. Мустақиллик самарин тотиб кўрди, ҳарқалай,

Шамдек умидин халқим кўнглида офтоб айлаб. Ватан каъбаси улус бахтига ошён бўлсин, Омон бўлсин тоабод, эл ўтсин савоб айлаб. Сўқмоқларда адаидим неча йиллар, аммо боз Мустақиллик йўлини топдим интиҳоб айлаб. Ўзни бахшида этмак юртга иймон амридуру, Кошки, бўлсам фидойи, Каъбасин меҳроб айлаб. Эл-юртни озод кўрдим, озоду обод кўрдим, Аҳли дилни шод кўрдим, қайта инкишоф айлаб. Не шараф, хуш замонда «Янги Хамса» яратдим, Истиқлол берган бахтни бошимда офтоб айлаб. Хурриятдан ўзгарди руҳиятим батамом, Ўтгайман Мустақиллик меҳробин тавоф айлаб. Ўтмиши, келажаги буюк юрт фарзандиман, Бугунин ундан буюк кўрдим, бир китоб айлаб!



ҚОЗОҚ ЎЛАНЛАРИ ЯНГРАЙДИ

«Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида кўпчилик мамлакатлар вакиллари қатори қардош қозоқ элининг бир гуруҳ таникли санъат усталари ҳам иштирок этишади.

Аслида, уларнинг ижро услублари, кўй-қўшиқлари биз учун янгилик эмас. Чунки ўзбек ва қозоқ санъати қадим замонлардан буён «бир булоқдан сув ичиб келган» муштарак жиҳатлари ҳам беҳисоб. Қолаверса, ўзбек тўй қилса, қозоқ оқинининг ўланлари даврага фойз киргизса, қозоқ элга туз-намак берса, ўзбек бахшиси дostonу термалари билан одамларни сел қилади. Улар ўртасидаги айтишулар, яъни санъат мусобақалари чоғида шўх ашулар, кўнвоқ мусикалар авж пардалари янграйди. Шу тарих ҳар иккала элининг санъати ўз-ара уйғунлашиб, тараққий этиб келган.

Бу жараёни яна тезлаштирди. Хусусан, Ўзбекистонда Қозоғистон маданияти кўнлари, қозоқ диёрида эса Ўзбекистон маданияти ҳафталиги бўлиб ўтди. Улар улкан дўстлик ва санъат байрамига айланди. Алматыда ўтказилиб келинаётган «Азия дауси» халқаро санъат танловидида эса замонавий ўзбек эстрада санъатининг бир қанча истеъдодли вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, бир неча бор юрак муқофотларга сазовор бўлишди.

Самарқанд фестивалида иштирок этадиган қозоқ санъаткорларининг кўпчилигини муштарийларимиз яқиндан билишлари, шубҳасиз. Чунки улар республикамизда ҳам ўз муҳлисарига эга. Биз бугун шу санъаткорлардан айримларининг ижодий фаолияти, ижро усуллари ҳақида ихчамгина маълумот бериш ўтмоқчимиз.

Рамазон СТАМҒОЗИЕВ. Истеъдодли қозоқ кўшиқчиси. У Ж. Елебеков номидаги эстрада-ширк студиясида таҳсил

олган. «Қозоқконцерт» бирлашмасида иш бошлаган. Бугун ижодий фаолияти мобайнида анъанавий ижрочилик сирларини пухта эгаллаб, ўз услубини сайқаллаб борди. Натижада тез орада чиройли, ўзига хос оҳанглаги ширали овози билан санъат шайбодлари назарига тушди. Айни пайтда Рамазоннинг бой репертуридан ўнлаб термалар, халқ кўшиқлари, қозоқ бастакорлари яратган замонавий ашуларлар жой олган. Р. Стамғозиев Амри Кашаубоев номидаги республика ёш ижрочилари танловининг совриндоридир.

Санъаткорнинг «Баян овул», «Алқонир», «Сен қайда юрасан», «Олтой», «Жар бошида», «Уйхат» каби кўплаб ашуларини нафақат ўз юртида, балки Австралия, Туркия, Эрон, Венгрия, Кореяда ҳам севиб тингланади.

Бекбулат ТЛЕУХАНОВ. 30 ёшини қаршилаган бўлса-да, бугунги қозоқ санъатининг энг кўзга кўринган, истеъдодли вакиллари сирасига кирди.

Кўшиқ мазмунини чуқур ҳис этган ҳолда ижро этиши, мафтурвор ва кучли овози, мафтурвор ҳозирлаб мусуқчалари ва янгиликка интилувчанлиги унинг қозоқ классик вокаль

Наволиниб дил уйнасин, Ошуфта кўнгли уйнасин. Раққосанинг теғрасида, Райҳон-у, сунбул уйнасин. Т. КАРИМОВ сурат-лавҳаси.



АНДИЖОН: Беш йилдирики, вилоятда гўзаллик ва санъат фестивали ўтказиб келина-япти. Эрта баҳордан бошланиб Мустақиллик байрами арафасида ниҳояси-га етadиган ушбу анъанавий фести-валда вилоятдаги барча санъаткорлар қатнашмоқдалар. Ж. ТУРДИЕВ.

ЖИЗЗАХ: «Дўстликдон» хис-садорлик жамиятида Германия ва Болгариянинг «Тиссен Хандель Берлин ГМБХ» фирмаси билан ҳамкорликда со-атиға икки юз килограмм печенье ва шунча миқдорда ма-карон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган иш-лаб қижарадиган кичик корхона қури-лиши бошланди. Бу корхона яқин кун-ларда ишга тушири-лади. Н. ҲАМРОЕВ.

НАМАНҒАН: Вилоят ҳокимли-гининг оила, оналик ва болаликни ижти-моий ҳимоя қилиш шўъбаси томонидан «Дилхуш» тарғибот гуруҳи ташкил этил-ди. Унинг асосий мақсади кишилар онгига маънавият ва маърифат гоёлларини чуқур сингдириш, кўмакка муҳтож ои-лаларга меҳр-мурув-ват кўрсатишдан иборат. Қ. АКБАРОВ.

СУРХОНДАРЁ: Ўзбекистон Дав-лат матбуот қўмита-сида вилоят матбу-от бошқармасига қа-рашли «Адолат» те-левидениеи расман руйхатга олинди. Бу телевидение вилоят прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассислигида таш-кил этилган. М. АЗИМОВА.



Хар кунни қопуласини қабул қилар экансиз, сиз ўз терингизни муссофа қиласиз, гўзаллик ва майинлик бахш этасиз. Сизнинг бардан ва гўзаллигингиз. БЮТИ ПЛЮС Шажар дорихоналаридан сўранг.

АЛ-ХОРАЗМҲИЙ ВОРИСЛАРИ

Аргентинанинг Мардель-Плата шаҳрида ўтказилган халқаро ёш математиклар олимпиадасида илк бор Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашди.

Бу ўзига хос бела-шувда жаҳоннинг 82 мамлакатидан 460 нафар ўқувчининг билими синаб кўриди. Республикаимизда ўтказилган олимпиада ғолиблари -- бухоролик О. Султонов, хоразмлик Т. Тоҳиров, наманганлик Қ. Турахонов олимпиада-нинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

М. ШАРИФОВА, ЎЗА мухбири.

Advertisement for 'BYUTI PLUS' (БЮТИ ПЛЮС) skin care products, featuring a woman's face and text about skin health.

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси жа-моаси «СДФ» («Ўзкинохроника») очик турдаги акцио-нерлик жамияти директори Т. Аҳмедова акаси Нуриддин АҲМЕДОВнинг фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Сайислар камгап бўлишади: улар-нинг оғзидан сўз олиш жуда мушкул.

Олим кўк ёки Олим сайис десангиз, катта-кичикнинг қулоғи динг бўлади. Унинг кўк оти 15 йил да-рёнинг у бети билан бу бе-тида армонсиз чопди. Юртда нима кўп, сайис кўп. Лекин ота-бобоси сайис бўлса ҳам, манглайга яхши от битмаса, ҳеч ким ном чиқара олмайди. Бир пайтлар Олим сайис бай-роқ оламан деб, от қўлса, бошқалар орта тисланар-ди, мабодо тўйга келмай қолса, шу тўй қизиқарсиз ўтгандай бўларди.

Айтилмаган гап ота-бо-болан қолмаган ўзи. Тул-пор дегани осонликча манглайга битавермайди, бир битса, асло кетмайди, деган лутф ҳам бурунги-ларнинг гапи. Жониворга кўрдаги қий-чулвар гўё қанот бағишлайди. «От олсанг, овулдошларинг билан бирга ол», «Оталош-нинг оти ўзгунча, овул-дошнинг тойи ўзин», деган гаплар ҳам ушалардан қолган.

Олим сайис -- асли қон-ликўлли Сайткарим сайиснинг невараси. Ўзи, қони-да бор-да, унинг отга ихлоси болалигидан уйғон-ди. 1953 йилда Турим йил-қибон унга «Элга танил-ган сайис бўл», деб оқ фо-тиҳа берган. Кўк тойини овулга етаклаб келганда, кўпчилик «Отинг чопмай-ди», деган эди. «Ўзим би-ламан!», деди у. Тойи то йилдирим отга айлангунча қилган меҳнатлари, чеккан азобларини фақат Олим-нинг ўзи билади. Ахир, отинг яхши чиқса, бу ду-нённинг роҳати, яна бир давлатинг-да. Кейинчалик Олим кўк «Отамни кўрган, сайис-

нидаги қувончини айтмайси-ми? Кўк от ҳойнаҳой ўн беш йил чопди. Гоҳида қизишиб кетиб, икки марта кўрга сол-ган пайтлари ҳам бўлган. Ақли жонивор фақат га-пирмайди демасанг, ҳамма

либ йўлига қараб ётган экан. Обдон ҳолдан тойган, тўрт оёғи тўрт томонда. Кўнгли бузилди. Отнинг бошини ку-чоқлаб йиғлади. Бошига бе-дани ёстиқ қилиб қўйди. Кўшқўлаб берган жўхориға

дан олган тўриқ отини яна бир от билан алмаштириб чо-пиб юрди. Ҳозирги кўк оти ўша тўриқ отнинг боласи. Баъзида от мусобақаларда иккинчи бўлиб келса, маш-хур кўк отини қўмсаб, хўр-синиб қўяди. Ҳозир ҳам Олим сайис,

нарсени имо-ишорадан илғаб оларди. Кўк отни қартайта-нида ҳам «обрусини тўкмай», иззат-хурмат билан сайисхо-наннинг тўрида сақлади. Ун-дан насл олмоқчи бўлди. Аммо одамларнинг кўзи те-димми, кўк от кўп яшамади. Шу муҳдиш кунни у ҳе-чам ёлдан чиқаролмайди. Бир тўйдан бутали туяни байроққа олиб, етаклаб ке-лаётса, онаси йўлига чиқиб турган экан. -- Болам, кўк отинг ка-салланиб турибди, ўт ҳам емайпти, -- деди ташвиш би-лан. Отдан қандай сакраб ту-шиб, кўрага борганини бил-майди. Жонивор умидвор бў-

Ўмирбой ЎТАУЛИЕВ

ЮЛДУЗНИ КЎЗЛАГАН ОЛИМ КЎК



оғиз қўзди, лекин илиб олгу-дай ҳоли йўқ. Ярим тунгача қошидан кетмасдан ўтирди. Ҳалол молни ҳаром қилмай, кўзи қиймас -- бошқа бировга сўйдириш керак экан. Анча вақтгача ўзига келол-май, азалди юрди. Отнинг бо-шини кеесиб олиб, кўрт-ку-мурсага ем қилмай, тумор каби кўп йиллар авайлаб сақ-лади. Буларни қишлоқдошлари ҳалигача эслашади. Кўп жойларда кўк тулпор-нинг қалри ўтди. Уйнинг олдидаги кўк майса, ўтлоқ-да ўйнаб-қувнаб ағанашла-ри ҳали-ҳалигача кўз олди-дан кетмайди. Кейинчалик туркманлар-

Қорақалпоғистон, Туркма-нистон ҳудудларида тўй бо-рми, отчопар бўладими, дар-ҳол этиб боради. Узоқ чо-пишларга тўриқни, қисқала-рига кўк отни қўшади. «От ўрнини той босар» деб, яхши ниятлар билан шу икки отни парваришлаб юрибди. Ўзи ҳам отга жуда ўрга-ниб қолган. Отаеиз юрломай-ди, мабодо машинада 2-3 со-ат айланиб келса, оёқ-қўли қақшаб, ўзини кўярга жой тополмай қолади. Агар отла бир кун йўл юрса ҳам, бада-ни мириқиб, роҳат қиладик-ки... Ростланам, тоза ҳавони сибири, табиат қўйида отлик кезганга не етсин! От -- азалдан йитининг давлати, суянган тоғи. Олим кўк қозоқ, туркман юрла-рида йилқичиликнинг ри-вожланганига доимо ҳавас қиладди, ҳайратланади. Шу-нинг натижаси бўлса керак, у томонларда от спорти ҳам ривожланган. Бизда эса, аксинча. Ҳолбуки, Устюрт кенгликлари от боқишга жу-да қулай. Бундан ташқари, йилқи қўйга ўхшаб кўп чи-қимни талаб этмайди. Унинг бу фикрлари раҳ-барларга маъқул келган ше-килли, Қуламет Жиров но-мидаги хўжалик раҳбарлари

Footer section containing contact information for 'Халқ Сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and subscription rates.